



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 13 март, чоршанба

№20 (11.408)

Эркин нарҳда сотилади

## РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

Вашингтон. 12 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Кеча расмий ташриф билан Вашингтонга келган Ислон Каримовни АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли "Эндрюс" авиабазасида Давлат котибининг ўринбосари Элизабет Жоунс ва бошқа расмий ки-

шилар кутиб олди. Мамлакатимиз раҳбари АҚШ Президентининг фахрий меҳмонлар уйи - "Блэйр хаус" қароргоҳига жойлашди. Бугун Ислон Каримов АҚШ Президенти Жорж Буш, давлат котиби Колин Паулл ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

(ЎзА).

## Ўзбекистон-АҚШ: ҲАМКОРЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

37649,1 минг доллар — Тошкент вилояти ва АҚШ ишбилармон доираларининг ташқи савдо товар айирбошлаш ҳажми шунга тенгдир. Бу ҳамкорликни бундан ўн йил илгари нисбатан анча кам маблағ билан бошлаган эдилар. Шундан кейин уларнинг умумий манфаатларига хизмат қилувчи иқтисодий алоқалар мустақамланиб бораверди.

Вилоятимиз корхоналарининг махсулотлари кўпгина АҚШ штатлари бизнес ва истеъмол тизимидаги кириб бори, Америка тамғаси босилган товарлар ва хизматлар вилоятимизда амалий фаолликнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. Буни «Майкрософт» корпорацияси мисолида ҳам кўрсатиши мумкин. Жаҳонда энг йирик ҳисобланган бу корпорация бугунги кунда ўзининг фақат компьютер дастурлари ва «ноу-хау»-си билангина эмас, жаҳондаги илғор таълим тизимлари билан ҳам машҳур. «Майкрософт» сертификати бўлган компьютерчи мутахассис жаҳоннинг ҳар қандай мамлакатига корхонасида интиқил билан кутиладиган ходимдир.

— Яқиндан бошлаб эса, кўпчилик оруз қилган «Майкрософт» сертификатини... Оҳангаронда олиш мумкин, — дейди Ўзбекистон-Америка «Юнайтед консалтинг групп ЛТД» қўша корхонасининг директори Александр Бершадский. — Айнан Оҳангаронда Ўзбекистондаги энг яхши компьютерлар ишлаб чиқарувчи қўша корхона билан бирга америкаликлар ҳамкорлигида мамлакатимиздаги

энг қизиқarli ўқув марказларидан бири барпо этилди. Американинг «Викинг» компьютер фирмаси мутахассислари «Юнайтед консалтинг групп» қўша корхонасини америкача намуна бўйича яратдилар. Янги фирмага нисбатан қўйиладиган талабларнинг биттаси унинг жўрғофияси дир. Компьютер корхонаси унча катта бўлмаган шаҳарда жойлашиши, бироқ бу шаҳар ривожланган инфра-тузилмага эга бўлиши ва йирик санаот марказига яқин туриши лозим. Шу нуқтаназардан Оҳангароннинг танланиши беҳиз эмас. — Аввалга Оҳангаронда юксак малакали мутахассисларни етарлича топиламан, деб бироз иккиландик. Лекин, хавотиримиз беҳуда

(Давоми 2-бетда).

## Наврўз таратдуди ЮРТ ОБОДОНЛИГИ ҲАМ МАМИЗНИНГ ИШИМИЗ



Кўклам келиб, дала-боғлар ҳар куни бир чирой очаяпти. Қирларда аял майсалар буй чўзмоқда. Дов-дарахлар гулга кириб, барг ёза бошлади. Вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида баҳорий бир жонлиши — қиш ғуборларидан тазаланиш палласи ҳозир.

Наврўз кунлари ҳам яқинлашиб қолди. Шу боис кўчалар, майдонлар, хибонларни тазалаш, ховлилар ва хонадонларнинг санитария ҳолатини яхшилашга оммавий киришилапти. Вилоят ҳокимининг фармойишига биноан бошланган «Наврўз — меҳр-саховат ойлиги» доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳашарлар ўтказилмоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига эътиборни янада кучайтириш мақсадида экологик ҳашар ўтказишга қарор қилинди. Экология ва саломатлик кунларининг биринчи босқичи «Наврўз, экология ва саломатлик» шiori остида ўтаяпти. Жамоатчилик, мулк шаклидан катъий назар, барча корхоналар ва ташкилотлар, ҳўжаликлар ва фирмалар,

шаҳар ва туман ҳокимликларини иштирокида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, янги боғлар барпо этиш, атроф муҳит тазалигини сақлаш, уни ифосланттирувчи ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи сабабларни бартараф қилиш мақсадида 16 март куни вилоятимизда ҳашар уюштириш белгилаб қўйилди.

Наврўз байрамига бағишланган экологик ва саломатлик кунлари амалга ошириладиган тадбирлар тасдиқланди. Унинг доирасида кенг жамоатчилик иштирокида йиғилишлар, учрашувлар, танлов ва экологик фестиваллар ўтказиш кўзда тутилмоқда. «Экосан» жамғармаси, вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассислари иштирокида шаҳар ва қишлоқларнинг санитария ва гигиена аҳволи-

16 март куни вилоятимизда умумхалқ ҳашари ўтказилди

ни яхшилаш бўйича рейдлар ўтказиш мўлжалланмоқда. Шу ойлик мобайнида ўқувчилар ўртасида «Томчи сув — ҳаёт жилваси» кўрик-танлови ўтказилди. Умумтаълим мактабларида «Табиятнинг севмоқ — Ватанини севмоқдир» шiori остида кўрик-танлов ва кўргазмалар ташкил этилади. Вилоятимиз вакиллари «Инсонпарварлик ва экология» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этишди. Вилоятда санитария-эпидемиология вазиятини янада яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларда кўкламги ободонлаштиришни ташкил этиш тадбирлари ҳам тасдиқланди. Умумхалқ ҳашаридан тушган маблағ ёки жамоа қарорига биноан бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказилди. Тошкент вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ҳисоб рақами ва манзилини эслатиб ўта-миз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, Тел.: 133-61-75. Ҳисоб рақами 20212000900132942001, МФО 00454. Тошкент вилояти «Пахтабанк» ИИН 200548395.

## НУРОНИЙЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Янгийўл туманида яшовчи 100 ёшдан ошган 19 нафар мўътабар отахон ва онахонларга Наврўз байрами муносабати билан совғалар топширилди.

Кексалар кўнглини шод этиш, хolidан тез-тез ха-бар олиш энг улғув савоб ишлардан. Ташрифдан кўн-гиллари кўтарилган азиз боболар ва момолар юртга тинчлик, элға фаровонлик, ёшларга бахт-саодат ти-лаб, дуо қилдилар. Бай-рам тухфаларини туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ба-шорат Раҳимқуллова, «Нуро-ний» ҳамда «Маҳалла» жам-ғармалари туман бўлимла-ри вакиллари элиб бер-дилар. Ўз мухбиримиз.

## Танлов БАЛЛИ, РАИСЛАР

Янгийўл туманидаги Гулбахор санаот касб-хунаор коллежининг муҳташам катта залида «Балли, раислар!» кўрик-танлови вилоят босқичи ғолибларининг беллашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда туманлараро босқичларда ғолиб чиққан беш нафар ширкат ҳўжалик-лари бошқаруви раислари қатнашдилар.

Тадбир иштирокчилари чиндан ҳам яхши раҳбар, бир-биридан зўкко, ўқтам ва қатъиятли, билимдон экан-ликларини кўрсата олдилар. Танлов шартига кўра, ра-ислар ўзларини таништири-лар, сўнгра кишлоқ ҳўжали-гининг барча соҳаларига онд саволга жавоб бердилар. Турмушда содир бўладиган воқеалар ҳақидаги ўзлари сачналаштирган лавҳаларни намоийш этиб, кўшк ва ракслар ижроси бобидаги маҳоратларини намоийш эт-дилар. Иштирокчиларнинг турмуш тажрибалари, билим доиралари ҳамда имконият-лари юқори эканлиги сабаби-ли ҳам танлов ғолибини аниқлаш осон бўлмади. Ик-кинчи ўринни эгаллаган чи-нозлик Салоҳиддин Зайну-динов биринчи ўринга муно-сиб топилган парентлик Абдурахим Алматовдан ати-ги бир балл орқада қолгани ҳам фикримизга далил бўла олди. Учинчи ўрин эса, ян-гийўллик раис Баҳодир Тура-евга насиб этди.

«Балли, раислар!» кўрик-танловининг ғолиби Абдура-хим Алматов ҳомий ташки-лотларнинг эсдалик совғала-ри ҳамда телевизор билан мукофотланди. Энди у ре-спублика танловида қатна-шиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади.

Шавкат ҚУЛИБОВ.

## Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»-ги Қонунининг 17-моддасига биноан қарор қиламан:


Иккинчи чақирик халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XI сессияси 2002 йил 15 март куни соат 10.00да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят Кенгашининг Раиси У. МИРЗАҚУЛОВ.

2002 йил 7 март.

## УЛАРНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ Бўлади

«Нуроний» жамғармаси Қибрай тумани бўлими фаолларининг барча фидойи инсонлар, фаоллар ва раҳбар ходимларга мурожаати эълон қилинди. Мурожаатда Қариаларни қадрлаш йили муносабати билан Туроб Нормухамедов номли ширкат ҳўжалиги худудидидаги 37-ўрта мактабнинг эски биноси ўрнида кишки спорт зали ва чўмилиш ҳавзасига эга бўлган янги мактаб биноси қурилишига ҳисса қўиш таклифи ўртага ташланган. Қариалар, айниқса, «Маданият» ширкат ҳўжалигида 40-ўрта мактабнинг янги биносини, «Байтўғрон» ва «Лимончилик» ширкат ҳўжаликларидида эса гузарлар барпо этиш ҳақидаги ташаббусларни ҳам қўллаб-қувватладилар. Шундай қилиб, қибрайлик кексалар ташаббуси билан қурилиш ташкилотлари дастлабки қурилиш ишларини бошлаб юбордилар. Абдухамид ФОЗИЛОВ.



## БУ ҚОРЛАР ТАБИАТ ҲАЗИЛИ ЭМАС

иклимий пасайиш йиллари совуқ неча даражагача тушганлигини айта оласизми? — Албатта. Умуман олганда, март ойида ҳароратнинг ўртача 3-4-5 даражагача совуши аънавий тус олган. Юз йилликдан ортқ мuddатдаги кузатувлар натижаларига кўра, Тошкентда гоҳида ҳарорат анча паст қолган йиллар ҳам бўлган. Чунончи, 1933 йилнинг 12 март куни кечаси ҳаво 16,9 даражагача совуб кетган. 1972 йил 21 мартда эса совуқ 13,7 даражагача етган. — Март ойида кунларнинг иссиқлик даражаси қанчагача кўтарилиши мумкин. — Бу йил 5 март куни

ҳарорат 24 даражагача кўтарилди. Уша кунлари ўриқлар бодраб гулга кира бошлади. Кейин ҳаво бирдан пасайганлигини ҳозиргина айтдим. Гоҳида ҳарорат янада кўта-рилган пайтлар ҳам қайд этилган. Чунончи, 1971 йилнинг 21 март



куни ҳавонинг ҳарорати 30,1 даражагача кўтарилганлиги маълум. — Об-ҳаво кузатишлари борасида республика маркази бошқа минтақалардаги шундай муассасалар билан ҳам ҳамкорлик қилади-ми? — Аввало, об-ҳавонинг тахминлаш ва олдиндан айтиб беришининг

мураккаблигини таъкидламоқчиман. Ҳатто бир кунлик маълумотларини бериш кийин. Шунинг учун ҳам, бу соҳада халқро ҳамкорлик зарур. Мамлакатимиз бундай ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Биз Москва, «Европа-Марказ» ва Вашингтондаги ҳам-

## Бизнинг суҳбат

касблар билан прогностик маълумотларни мунтазам алмашиб бора-миз. Ҳар куни бир неча марта космик йўлдош орқали булутларнинг тасвирини олиб тура-миз. Об-ҳаво маълумотларини тайёрлашда улар катта ёрдам бера-ди. Яна бир асосий манба борки, у ҳам ер юзидаги иклимий ўзгаришларни олдиндан аниқ-роқ айтиб беришда му-ҳим ўрин тутди. Мен ҳар ўр соатда ҳақиқий об-ҳаво маълумотини олиб туришимизни на-зарда тутаяман. — Пировардида яна бир савол! газетхоналаримизга яқин кунларда об-ҳаво қандай бўлишини айтиб берсангиз. — Ҳавонинг ўзгариб туриши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутиляпти. Фардан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсиб, айрим жойларда унинг тезлиги 15-20 метргача етиши мумкин. Кечаси ҳарорат 0-5 даража илик, кундузи 8-13 даража иссиқ бўлади. Айрим жойларда тунги совуқ икки даражагача пасайиши мумкин. Кундуз кунлари ҳарорат 8-13 даражагача кўтарилиши кутиля-ди.

Суҳбатдош: Жўрабек МУРОДОВ.


## «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар «СУВНИ ҲОЗИРДАН ТЕЖАМОҚ ЗАРУР»

Газетанингу шу йил 2 март сонидида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада вилоятнинг бир қатор туманлари, жулладан, Оққўрғон туманида ҳам мавжуд суғориш шахобчаларини кўкламги экиш мавсумига сифатли тазолаш ва тартибда келтириб қўйиш ишлари пайсалга солинадигани аниқ рақам ва далиллар асосида танқид қилинган эди.

Тахририят ушбу мақола юзасидан Оққўрғон тумани ҳокими Абдуғани Дехқонбоевнинг имзоси билан жавоб хати олди. Унда маълум қилинишича, танқидий мақола туман штабнинг қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси мутахассислари, тармоққа алоқадор бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва ҳўжаликлар бош мутахассислари иштирокидаги йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Белгиланган мuddати чўзиб юборилган ҳўжаликлараро зовурларни механизмлар билан тазолаш топширигининг ижросини имкони бори-ча жаддалаштириш чора-тадбирлари белгиланди. Чунончи, жалб этилган экскаваторлар сони 7тага, ҳўжаликларнинг ўз техникасини қўшиб ҳисоблаганда эса, 17тага қўйайтирилди. Қурилган ушбу чораларнинг самараси ўлароқ топшириқнинг қолган қисмини 15 мартдан кечиктирмай бажариш имконияти яратилди. Мақолада келтирилган камчиликларга йўл қўйганлиги учун Тошкент вилояти гидрогеология мелиоратив экспедицияси туман бўлими бошлиғи Абдулла Ортиқов эғаллаб турган вазифасидан озод этилиб, ўрнига олий маълумотли, шу соҳа мутахассиси Фарҳод Музаффаров тайинланди.

Ўзбекистон-АҚШ:

ҲАМКОРЛИК



ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

бўлиб чиқди. Ҳозир қўшма корхонамиздаги барча ишчи ўринлари тўла банд...

ридан бошлаймиз. Аммо, мамлакатимиз ишлаб чиқаришнинг янги, янада юқори даражага кўтарилши...

яни кўринишдаги банкларни ишлата бошладик. Шу тўғрисида 2002 йилда маҳсулотни экспорт қилишни...

қдан олиб келинаётган импорт уй жиҳозларига нисбатан ўн баробар арзонлиги билан ҳам ажралаб туради.

Корхонада ишлаб чиқариш фарб андозалари бўйича ташкил этилган. Бутовчи қисмларнинг қайси мамлакатдан келиши муҳим эмас...

— Пенсильваниядаги «Бри» фирмаси бизнинг ҳаммуассисимиз бўлди. Бу мева-сабзавот маҳсулотларини машҳур ишлаб чиқарувчиси ҳамда ниҳоятда қизиқарли технологиялар соҳибидир...

Хисоботларнинг қуруқ рақамлари иқтисодий аҳолини доим аниқ кўрсатавермайди. Истиқболлар иш столи атрофидаги музокараларда, амалий ташрифларда, семинарларда белгиланади.

Умуман, вилоятимизда америкалик тадбиркорлар билан биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар сонини 12тага етди. Яна бир қанча шундай корхоналарни тадбиркорлик тузилмасидир.

— Бу юқоридаги «Майкрософт» сертификатини олган эликча яқин киши бор. Хусусан, бир неча чет элликлар ҳам маъмур қимматли ихтисос шаҳодатномасини ўзбекистонда олиш имкониятидан фойдаланиш...

— Муваффақиятга эришишни истасанг, бир жойда жим ўтирмай доим ҳаракатда бўлиш керак, — деб ҳисоблайди М. Халилов. — Бозор иқтисодиёти талаби шундай. Унинг асосий қонуни бу. Шунга биз ҳам амал қиламиз.

Қоида бўйича Америка бизнеси маблағни энг истиқболли тармоқларга қўяди. Бизнинг оқеаноти ҳамкасбларимиз мебел ишлаб чиқариши шундай соҳа деб биладилар.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини янада охиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан фалла экинлари етиштиришда агротехникавий тадбирларни ўз вақтида ўтказиш билан бир қаторда бегона ўтларга қарши курашни ташкил этишни қучайтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

— Бўстонликдаги Ўзбекистон-Америка ҚК экспорти кўрсаткичлари Тошкент вилоти ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий ўзаро муносабатларнинг умумий кўриниши билан ҳаммамоҳамдир.

— Бўстонликдаги Ўзбекистон-Америка ҚК экспорти кўрсаткичлари Тошкент вилоти ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий ўзаро муносабатларнинг умумий кўриниши билан ҳаммамоҳамдир.

— Бўстонликдаги Ўзбекистон-Америка ҚК экспорти кўрсаткичлари Тошкент вилоти ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий ўзаро муносабатларнинг умумий кўриниши билан ҳаммамоҳамдир.

— Америка ҳақида сўз борганда, гапни кўпчанча унинг юқори технологиялари (Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини янада охиришга алоҳида эътибор қаратилган.

БЕГОНА ЎТГА ҚАРШИ САМАРАЛИ ВОСИТА

Фан — қишлоқ хўжалиги

олишни тақозо этади. Бунда вентиляторли ва штанга-фойдаланиладиган фойдаланилади, гектарига 200-300 литр эритма сарфланади.

Олимларнинг Сирдарё, Жиззах, Тошкент ва Наманган вилоятларида ўтказган тажрибалиридан маълум бўлишича, янги препаратдан фойдаланиш хосилдорликни кўпайтириш имконини беради.

Баҳор ХИДРОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

Мардлар кўриқлади Ватани

ЁШЛАР БЕЛЛАШДИЛАР



Мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилот кенгашининг ташаббуси билан 10-март кун Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуаси ва Чирчиқ автомобил мактабининг ўқув-машқ майдонида баҳор байрами — Наврўзга бағишлаб, ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича вилот биринчи спартакиадаси бўлиб ўтди.

Спартакиада қатнашчиларини «Ватанпарвар» ташкилотининг фахрийси полковник Р. Солихов, спорт устаси, ҳарбий кўпкураш бўйича Европа чемпиони Сергей Сербяков, ёғи биатлон бўйича Ўзбекистон кубоғи соҳибига Хасан Ерматовлар қизгин табриқлаб, эзгу истақлар билдирдилар.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қамолитдин АСҚАРОВ.

СУРАТЛАРДА: спартакиадан лавҳалар.

Владимир ПОРТНОВ олган сурачлар.



Бунда вилотимизнинг шаҳар, туманларидан ва Тошкент шаҳридан жами 33 жамоа иштирок этди. Улардан 7таси автомақтаблар курсантларининг жамоаларидир. Иштирокчилар мерганлик, варрак учирини, ёғи биатлон ва авиомодел спорти турлари бўйича, ҳаво жанги мусобақаларида куч синашдилар. Автомақтаб курсантлари эса, 3 километрга югуриш, йўл ҳаракати қоидалари, автомобилнинг тузилиши ва уни бошқариш бўйича беллашдилар.

Кизиқарли ўтган беллашувларда ўртачирчиқ ёшлари жамоаси 1-ўринни, юқоричирчиқлик ёшлари 2-Олмалиқ шаҳар терма жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Автомақтаб курсантлари ўртасидаги мусобақаларда Чирчиқ автомобилчилар мактаби 1-чи ўринни забт этган бўлса, 2-ўрин Келес автомобилчиларига, 3-ўрин ангреликларга насиб этди.

Бугуннинг гапи

Дори-дармон зарарсиз бўлсин

Бугунги кунда замонавий тиббиёт ва биология фанлари турли касалликларга қарши қўлланилаётган дори-дармонларнинг инсон организми учун мутлақ безарар бўлишини таъминлаш долзарб муаммо ҳисобланади.

Мазкур институт директори вазифини бажарувчи, биология фанлари номзоиди Гузал АҚРОВА бу ҳақда ЎЗА МУХБИРИГА қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Сир эмаски, ҳозирги кунда тиббиётда қўлланиладиган дори-дармонлар тури тобора кўпаймоқда. Шу боис муайян касалликка қарши ишлатиладиган дори-дармоннинг бошқа қисмига салбий таъсирини қамайтириш муҳим аҳамият касб этапти.

Бу соҳада илмийларнинг дастлаб ўтган асрнинг 70-йилларида Буюк Британия, АҚШ ва Германия олимлари бошлагани. Бу тадқиқотлар самараси ўлароқ дори-дармоннинг инсон организмининг айнан зарур тўқимасига йўналтиришда энг қулай восита липосомалар экани исботланган эди.

Нозоқат УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

Шундайлар бор бўлсин

АҲИЛ ЖАМОАНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Раҳбар ҳар кунги одати бўйича ишга соат етти бўлмаёқ келди. Тунда ташқирланган нон ва нон маҳсулотлари сифатини кўздан кечирди.

«Яқини йилгит экан, оғир-бо-сиқ, меҳнатдан бошқани билмайди» ҳаёлидан ўтказди Тоҳир Барқаров. Уни ўтган йили корхона яқинидаги маҳалла оқоқчиликнинг тавсияси, ҳам илтимоси билан ишга олган эди.

— Хорма, Умиджон, чарқамдинингми? — суради у. — Буюрт-мелар кўй экан, дам олишга вақт ҳам бўлмагандир.

— Ассалому алайкум, — бо-шини кўтариб раҳбарга ўғирилди У.Ғуломов. — Раҳмат, толик-қанини йўқ. Одамларга ризқ-на-сиба тайёрланганидан жойида иш-лаган одам чарчамас экан.

— Тўй ҳаражатларини жамоа қилиш керак, кесаларга, моддий томондан қийинчлик учирганга қўлимиздан келганча ёрдам кўрсатиш бизда одат тусига айланган, — дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими мудири Ҳафиза Холметова. — Жамоамиз аъзоларини иқтисодий ҳимоя қилиш билан бирга ўзгалар ҳолидан ҳам вақти-вақти билан ҳабаб олиб туришимиз. Масалан, давлатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан бешта оилга 20 миң сўмдан пул тар-

қатилди. Шунингдек, тумандаги никоҳ тўйлари мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланган улуғ айём кўнларига бўлиб ўтди.

— Яна бир ибратли томони бу ерда ишловчилар умумий меҳнат қилиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун яратилган имкониятлардир.

— Масаля, 2001 йилда олинган соф фойда қарийб ўн миллион сўмга етди. Ҳушмадан, нон ва маҳсулотлари, макарон, алкоғол-сиз ичимликлар ҳамда музай-моқ ишлаб чиқариш режалари ортиси билан адо этилди.

— Инсон яралибдики, нон сув каби унинг учун энг азиз неъмат ва ҳаёт манбаи. Қунига уйимизда неча марта дастурхон ёзилма-син, унга аввало нон қўйилади.

— Шундай муъжизаки, ҳен қачон одам меҳдасига тегайди. Қиш хуш қўрган таомини икки, бориники, уч кун тановул қилса, маълум муддат унга иштаҳаси бўлмайди. Аммо нон ундай эмас.

— Ушбу корхонада ана шундай азиз, егулмайи тайёрловчи касбига фидойилар меҳнат қилишди.

Равабон БОБОМУҲАМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Қишнинг охири серёғин бўлди. Қўқам ҳам дехқонга қайишиб, оби-рахматини аямаяпти. Бу эса 2002 йил хосили учун экилган кузги галлага айни мудоа бўлаётди.

— Туманимизда галла хосилдорлиги барқарорлашган бўлиб эмиш, — дейди қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошқиси Хушвақт Широнов. — Биз кўп йиллик

кўтарилди. Режадаги 30185 тонна ўрнига 33720 тонна галла етиштирилди. Ҳўжалиқларнинг ўзига салкам 14 миң тонна галла қолди. Илгор оилавий пудратчилар яхшигина даромадли бўлидилар.

— Масаляга вилот миқёсида ётдишоб, вазиятни таҳлил этишдан бўлсақ, галланинги ўсиши ва ривожланиши чакки эмас. Аксарият майдонларга октябрдан кечиктирмай экиб олингани боис биринчидан, тўлиқ кўчат олинди. Иккинчидан, галла майсалари дуркуң бўлиб, қиш мавсумига калин тулпаган ҳолда кирди.

— Аммо туман бўйича галланинги умумий ҳолати яқин эканлигини эътироф этиш билан бирга айрим хўжалиқларда майсалар ола-чаллақ, гўзапондан тозаланмаган май-донлар ҳам борлигини таъ-

кидлаш жоиз. Биз галлазор-ларни айланганимизда, хусусан Қодиров номли ва Навоий номили хўжалиқларда ана шундай майдонларга дуч келдик. Дарвоқе, бу икки хўжа-лик ўтган мавсумда ҳам галла етиштириш режаларини бар-лоб қилди. Масалан, Қодиров номли хўжалиқда гектаридан режадаги 33,1 центнер ўрни-га 27,3 центнер хосил олин-

ди. Етиштирилган 1480 тонна яқин дон давлат бюрорма-сини қоплашга аранг етди, пудратчиларнинг ўзларига қолмади хисоб.

— Навоий номили хўжалиқда ҳам хосилдорлик 35,1, яъни туман бўйича ўртача кўрсаткичдан қарийб 9 центнер паст бўлди. Холбуки, ерларнинг белли банитетига мувофиқ режа 41 центнер қилиб белги-ланган эди. Биз галлазор-ларни кўздан кечириб, хўжа-лик раҳбар ва мутахассислар-дан тегишли хулоса чиқариш-мапти деган фикрга келдик.

— Чунки, айрим майдонларда гектарлар тўлиқ эмас, кўчат сийрак, ҳатто, уруғлик уни-б қиммаган ола жойлари ҳам қўқлаб қўзга ташланади. Ху-сустан хўжалиқнинг Қўштепа

Абдусаммад ЙЎЛДШОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Асосий қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

46-модда. Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқли- дирлар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ин- сон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да қайд қилиб ўтилган қондаларни асосий тамойил сифатида қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси ҳозирги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги 60 дан зиёд халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга имзо чеккан. Айни пайтда БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида 80 га яқин конвенцияси мавжуд. Бугунги кунда жаҳонда 300 дан зиёд ҳужжат инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқи соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳуж- жатларнинг тизимини ташкил этади. Улар- нинг аксарият кўпчилиги қисми БМТнинг хал- қаро-ҳуқуқий ҳужжатларидан иборат.

Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлиги- ги талабининг Конституцияга киритилиши муҳим асосга эга, чунки БМТнинг 1979 йл- даги «Аёллар ҳуқуқларининг барча турлари- ни камситишга барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияси талабларига қўра «Давлатлар ўзларининг конституцияларида жинсий тенг- лик тўғрисида алоҳида қондалар киритиш- лари зарур». Хотин-қизлар ва эркеклар тенглиги ки- шилик жамаиятининг муҳим бир тарихий ютуғи бўлиб, унга асосан жамаиятнинг сиё- сий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаёти- да ҳақиқий жинсий тенгликка эришилди. Бундай махсус қонда Конституциянинг 18- моддасида ҳам ўз ифодасини топан бўлиб, мазкур моддада Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жинсидан қатъий назар, қонун оламида тенглиги мустаҳкамланган бўлса, Конституциянинг 46-моддасида хо- тин-қизларнинг эркеклар билан тенг ҳуқуқи эканликлари тўғрисидаги қондалар қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Аёллар билан эркекларнинг тенг ҳуқуқлигини таъ- минлаш учун давлат қўшимча равишда кенг миқёсдаги тадбирларни амалга оширмак- да, бу бир томондан аёлларга нисбатан билим олиш, эркин равишда касб танлаш, меҳнат қилиш ва қилган меҳнатиغا яраша ҳақ олиш ҳамда давлатимизнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш учун эркеклар билан тенг имкониятлар ва етарли зарур шарт-шароитлар яратиш бўлса, иккинчи то- мондан аёлларнинг оиладаги ўрни, жимо- ний имкониятлари ҳисобга олиниб, уларга меҳнат қилишда, соғлигини сақлашда зар- рур шарт-шароитлар ва қонуний имтиёз- ларни яратиш беришдан иборатдир. Хотин- қизлар билан эркекларнинг тенг ҳуқуқли- ги икки нарса билан, яъни биринчидан, тенг имконият ва қўшимча шарт-шароит яратиш бериш орқали, иккинчидан эса им- тиёзлар ўрнатиш билангина таъминланиши мумкин. Агар аёлларнинг уларга Конститу- цияда ва бошқа қонунларда берилган ша- сий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ- ларни амалга ошириш учун имкониятлар яра- тилса-ю, бунинг учун қўшимча имтиёзлар берилмаса, унда бу тенг ҳуқуқлилик аёл- ларга нисбатан берилмаган эркинликлар- дан уларни маҳрум қилиб қўйиши мумкин. Бунинг сабаби оиладаги оғир юкининг асо-

сий қисми аёллар зиммасига тушганлиги- дадир. Шу туфайли улар натижада ўзларин- инг оиладаги вазифаларини тўла-тўқис ба- жара олмайдилар. Шу сабабли давлат аёллар билан эркек- ларнинг тенг ҳуқуқлигини эълон қилар экан, буни таъминлаш учун аёлларни қўши- ма равишда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш масалаларига алоҳида эъти- бор бермоқда. Уларга фарзанд кўришдан ва фарзанд кўргандан кейинги ҳақ тўланадиган таътилларнинг муддати, уларга тўланадиган ҳақларнинг ва болаларга бериладиган нафа- қаларнинг миқдори кўпайтирилиб берилмоқ- да. Шулар билан бир қаторда аёлларга қўшимча кафолатлар ҳам берилган бўлиб, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабаб- ли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайитиш таъқиқ- ланади. Шунингдек, меҳнат шароити ноқу- лай ишларда ҳамда ер ости ишларида аёл- лар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланади. Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган меъ- ёрдан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташил- лари ман этилади.

Аёллар меҳнатини қўлланиш таъқиқла- надиган, меҳнат шароити ноқулай бўлган ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтариш- лари ва ташиллари мумкин бўлган юк меъ- ёрларининг чегараси Ўзбекистон Респуб- ликаси Меҳнат вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва иш бериувчилар вакилларининг маслаҳатини олган ҳолда та- сдиқланади. Булардан ташқари, ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор бўлган аёлларни уларнинг розилигини олмасдан туриб тунги ишларга, иш вақти- дан ташқари ишларга, дам олиш кунлари- даги ишларга жалб қилишга ва хизмат са- фарларига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва ўн ёшга тўлмаган боласи бор бўлган аёлларни ту- нги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмас- лигини тасдиқловчи тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Аёллар- нинг иш вақти қисқартирилиб, уларни оғир ва тунги ишларда ишлашга жалб қилиш мум- кин эмас.

Хотин-қизлар билан эркекларнинг тенг- лигини етарли даражада таъминлаш ва ка- фиолатлаш ҳар бир демократик давлатнинг устувор вазифаларидан биридир. Конститу- цияда бу тўғрисида махсус меъёرنинг мавжуд- лиги давлатимизнинг чинакам демократик давлат бўлиб шаклланишининг кафолатидир. **Эргаш САЙТОВ,** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

«Ўзбекистон флораси аниқлагичи»

Фанлар академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий гербарий лабораториясида ер юзининг турли бурчакларидан келтирилган бир миллиондан зиёд ўсимлик нусхалари сақланади. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар асо- сида мазкур гербарийни за- монавий тизим негизига бир- лаштириб, икки томли «Ўзе- бекстон флораси аниқлагичи»- ни яратишга киришилди. Айни кунларда олимлар томонидан китобнинг бирин- чи қисми тайёрланди.

У.Э.А.

УСТОЗЛАР САБОҚ ОЛИШДИ

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежлари ўқитувчилари Мирзо Улугбек номида- ги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Олий педагогика институтда уюштирилган ўқув курсида ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Педагогика, информатика, «Инсон ва жамят», «Ўзбеки- стон тарихи» фанлари бўйича уюштирилган машғулотларни малакали педагог олимлар

олиб бориши, Илгор педагогик техноло- гияларни мукамал эгаллаб олган ўқитувчиларга серти- фикатлар топширилди.

САРТАРОШЛИК ОЧИҚ ДАРСИ

Қибрай туманидаги Чингелди касб-хунар кол- лежида 9та ихтисослик бўйича ўқув-амалий маш- гулотлар олиб борилмоқда.

Машғулотлар яхши жи- ҳозланган физика, кимё, биология, радиоэлектроника, электроника кабинетла- рида ўз касбининг моҳир усталари томонидан уюшти- рилмоқда. Шу сабабли ҳам бу коллеж фаолияти вило- ят бўйича намунали деб то- пилди. Вилоят касб-хунар кол- лежлари ўқитувчилари анжу- манининг айнан шу билим усталари томонидан уюшти- рилиши боси ҳам ана шунда. Анжуман иштирокчилари

моҳир уста-педагог Мало- хат Назарова томонидан сартарошлик санъати очик дарсини яхши баҳоладилар.

Шунингдек, радиоаппа- ратларни сошлаш, ошпазлик маҳоратига доир амалий са- боқлар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. **Акбар АЛИЕВ.**

Кичик корхоналарда

ТУМАНДА ЯГОНА

бир тонна ун тортиляп- ти. Энг муҳими, янги ишчи ўринлари барпо

Қуйчирчиқ тумани- даги «Насиб» хусусий фирмаси ўтган йили фойдаланишга топши- рилган бўлиб, уни тад- биркор Фозил Йўлдо- шев барпо этган эди. Бу ерда қимматли ёпилги — тўл ишлаб чи- қариш йўлга қўйилди. Буюртмалар кўпайган сари уларнинг ҳажми ҳам орта бошлади. Ҳозирга келиб, ҳар куни 120та ўрам тўл тайёр- ланмоқда.

Фирма бундай махсу- лотнинг янги турларини ҳам ўзлаштира бошла- ди. Чунончи, тегирион қад кўтарди. Унинг ёрдами билан кунига



этиляпти. — Истеъмол бозори талабларини ўрганиб миҳ ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режа- лаштирдик, — дейди фирма раҳбари. — Ту- манимизда бундай кор- хона йўқ. Бунинг учун асбоб-ускуналарни Гер- маниядан келтирмоқчи- миз. Унга ҳам тайёргар- ликни бошлаб юбордик. **СУРАТЛАРДА:** илгор ишчи Нурбек Уролов тўл тайёрлаш жараёнини бош- қармоқда (чапда); иш юртувчи Абдуваҳоб Бол- табоев маҳсулот сифати- ни текширмоқда. **Даврон АҲМАД** олган суратлар.

Атроф муҳит мусарфолиги ва саломатлик

БМТ томонидан Рио-де Жанейрода 1992 йил ат- роф муҳит ва барқарор ривожланиш масалала- рига бағишлаб ўтказил- ган анжуманда «XXI аср кун тартиби» тадбирлар режаси қабул қилиниб, иккинчи ўзгариши ва би- охиликни сақлашга қаратилган муҳим халқ- аро конвенциялар қабул қилинган.

2002 йил Йоханнесбургда бўлиб ўтган «Рио+10» жаҳон саммитида ушбу ҳужжатлар юзасидан амалга оширилган ишлар атрофлига таҳлил эти- лади.

Ўзбекистон ҳам БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ва бар- қарор ривожланиш йўлида дадил оидилаётган мамлакат сифатида мазкур саммитга тайёргарлик жараёнида фаол иштирок этмоқда.

«Экосан» халқаро жамгар- масида атроф муҳит ва бар- қарор ривожланиш бўйича БМТ анжуманидан сўнг ўтган даврда мамлакатимизда амал- га оширилган ишларнинг таҳ- лилига бағишланган йилгилиш- да шу ҳусусда сўз борди.

Юртимизда ер, сув захи- раларидан оқилона фойдала- ниш, уларнинг муҳофазасини таъминлаш вазифаси доимий эътиборда. 1991-2001 йиллар мобайнида 230 минг гектар мобайнида мелiorатив ҳолат- ни, 380 минг гектар суғори- ладиган майдонда туپроқ тар- қибини яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Атроф муҳит соғлиғи ва ин- сон саломатлигини асрашда ўрмонларнинг муҳим аҳамия- тини назарда тутиб, бундай яшил майдонлар ҳудуди 3,2 марта кенгайтирилди.

Ингилишда барқарор ри- вожланишга эришишда дав- лат, давлат ва жамоат таш- қилотлари ролини янада оши- риш зарурлиги таъкидланди. **Баҳор ХИДИРОВА** У.Э.А. муҳбири.

«Ташаббус-2002» кўрик-танловининг вилоят босқичида тадбиркорлик йўналиши бўйича биринчи ўринга «Зукко» маъмулияти чекланган хусусий жамаияти лойиқ деб топилди. Бу «Зукко» жамаияти раҳбарининг узоқолиғини тон олиш эди. Қуйида муҳбиримиз Мирсобир Мирҳамидовнинг шу корхона раҳбари Л. Қаймонова билан суҳбати бериляпти.

— Лазоқат Худоёрова, «Зукко» кичик корхонасининг барпо этилиши, унинг бозор иқтисодиёти шароитла- ридида дастлабки одимлари қандай бўлганлиги, бу йўлда дуч келинган муаммо- лар ва уларнинг кан- дай ҳал қилинганлиги ҳақида гапириб бер- сангиз.

— Марҳамат. Гемато- ген, оддий қилиб айтган- да, қондор деб аталувчи бундай махсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсади шунчалик туғилмади. Оиламиз аъзолари озик-овқат санъати мухтаassisлари ҳисобланади. Узим эса, бу тармоқда чорак асрдан ортиқ давр мобайнида ишлаганман, бу соҳа учун мухтаassis кадрлар тайёрлаш иш- ларига ҳисса қўшганман. Умр йўлдошим эса ё- мий санъати корхонала- ридида турли лавозимларда кирк йилдан ортиқ меҳнат қилганлар. Фар- зандларимиз ҳам шу соҳани танлашган. Шу- нинг учун ўзаро масла- ҳатлашиб, озик-овқат санъатининг ўзимизга яқин, ўзимиз билмаган, маълум даражада хабари- миз бор тармоғига қў- лиришга аҳд қилдик. Шу тариха гематоген ишлаб чиқарувчи корхона барпо этишга тўхтадик. Бунда биз, албатта, бу қондо- рининг аҳамияти муҳим- лигини, айниқса, у бизнинг мустақилликка эришган мамлакатимиз учун ниҳоятда зарурлиги- ни ҳисобга олдик.

— Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаш- тириш осон қўлчидми? Унга тайёргарлик ишлари қандай борди?

— Фикрингизга тушундим. Корхонани тиклаш даври бир неча йилга чўзилди. Бунинг учун жуда кўп муаммоларни ҳал қилишга тўғри келди. Бунда мутасадди идоралар яқин- дан ёрдам берди. Респуб- лика «Бизнес-фонд» жамгар- маси биз сўраган олти миллион сўмлик кредит берди. Янгийўл шаҳар ҳокимлиги бўш ётган куруқ ердан етарли майдон ажратди. Шундан сўнг қурилишни бошлаб юбор- дик. Ўзимизнинг толган- тутганларимизни ҳам сарф- ладик. Бунинг эвазига умумий фойдала иш майдони 900 квадрат метр бўлган асосий ва қатор қўшимча бинолар қад кўтарди.

Махсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуналар- ни яратиш жуда машаққатли бўлди. Бунда бош муҳандис Убайдулла Содиковнинг хизматлари қатта. Зарур анжомларни яратиш беради- ган корхона топилмагач, уларни бевосита шу ерда тайёрлашга киришдик. Бунинг учун бош муҳандисимиз Белорусиядаги гематоген ишлаб чиқарувчи корхонада сафарда бўлиб, фойдаланилаётган барча асбоб-ускуналарнинг кон- структив лойиҳаларини ўрган- га ва шу асосда чизмалар тайёрлаб келди. Ҳозир тузилмамизда ишлаб турган барча асбоб-ускуналар шу йўл билан яратилган. Улар учун ахтиёр қисмлар ҳам шу ерда ясалмоқда. Очиги, дастлабки вақтларда бошла-

ган ишимизнинг муваффақи- ятига оз бўлсада, ишонмас- лик ҳоллари ҳам бўлди. Чунки, зарур нарсаларнинг ҳаммасини тўла топиш қийин келди. Лекин бошлан- ган ишимиздан қайтишни ҳаёлимизга ҳам келтирма- дик. Уни охирига етказиш учун барча имкониятларни ишга солдик. Ниҳоят ниятга етдик. Корхонамиз 1998 йилнинг мартида ишга тушди ва бирламчи махсу- лотни берди. Дастлабки ойлар натижалариёқ биз- нинг барча хавотирланиши- мизга барҳам берди. Махсу- лотимиз керакли эканлиги, унга харидор доим бўлиши- ни кўрсатди.

Махсулотимизнинг бошқа муҳим тарихий қисми ҳисобланган қуюлтирилган сут, альбумининг хориждан келтириш йўлга қўйилди. Уларни Белорусия ва Киргизистондан ола бошла- дик. Хом ашё захираси манбалари аниқ бўлма- га, улар билан шартнома асосида ишлаб, махсулот тайёрлашни қўпайтиришга киришдик. Унинг ҳажми ой сайин ортиб борди. Бирги- на ўтган йили республика- миз дорихоналарига 2 миллион дона гематоген етказиб берилди. Жорий йилда унинг ҳажмини 3 миллионгагача оширишни режалаштирганмиз. Белги-

ҳаракатда бўлган тадбир- корлар ҳар томонлама рағбатлантирилипти ва шу йўлга қувватланмоқда. Бу соҳадаги тажрибангиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга гап кўп. Ҳаётнинг ўзи бунди кўрсатиб турпти ва шундай талабни қўймоқда. Бунинг учун ўзимизда мавжуд бўлган имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсади билан яшаш керак. Бу соҳада чет элларга қарам бўлган тадбиркорлик тузилмалари иқтисодий қийин аҳволга тушиб қол- га.

— Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё- ларнинг айрим турларини хориждан келтириш тадбиркорлар учун қатта ташвиш туғдирмоқда. Унинг машаққати, овора- гарчилиги кўп. Сиз раҳбарлик қилаётган корхонада бу масала муваффақиятли ҳал этилибди. Бу қатта ютуқ. Мамлакатимизда тадбир- корлик тузилмаларининг ишлаб чиқаришни маҳал- лийлаштириш, яъни асосан маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаши- га эришишга қатта эъти- бор берилмоқда. Шундай

махсулот республикамизда умуман чиқарилмайдими. Бундай мақсадга қаратил- ган ишлар кейинчалик ҳам давом этади. Чунки бугунги тадбиркор доим келажакни олдиндан кўриши, тинмай излани- ши, янгиликка интилиши, ташаббус кўрсатиши, халқимиз қорига ярайдиган ишларни мутаассил олиб бориши, Ватанимиз раънақи, халқимиз фаро- вонлигига эътибор бўлса ҳам ҳисса қўлиши иштиёқи билан тўлиб-тошиши лозим. Бунинг учун ҳамма шароит ва имкониятлар муҳаббат қилинган. Фақат сендан ҳаракат керак. Жамоамиз кўраётган фойда асосан ишлаб чиқаришни ривожланти- риш мақсадида сарфла- няпти. Бундан ташқари, муайян қисми хайр-эхсон, муруват ишларига ҳам ажратилапти. Хали бир марта сифат масаласида муаммо бўлмаганлигини мамнуният билан айтгим келади.

— Юқорида бундан бўён ҳам асосий махсу- лот — гематоген тайёр- ланиш кўпайтириш бош- вазифамиз бўлиб қолади, дедингиз. Бошқа янги турдаги махсулотларни ишлаб чиқариш режаси йўқми? Энг муҳими уларни экспорт қилиш учун ҳаракат қи- линяптими?

— Бор, албатта. Корхона- мизда гематоген ишлаб чиқариш яхши изга солиб олинди. Хом ашёни кўпай- тириш билан унинг ҳажмини ошириб бораверамиз. Чунки узоқ келажақда ҳам унга талаб қамаймайди. Айни вақтда бозори чаккон бошқа махсулотларни ҳам ўзлашти- рамиз. Ҳозирча лейкопласт- тир тайёрлашни ташкил этиш учун сай-ҳаракатни бошладик. У, албатта, бозорбоп бўлади, чунки, янгиликмасам, бундай

маҳсулотларни экспорт қилишга руҳлантиради. Қисқаси, бозорда ўз ўрнини эгаллаш, ундаги мактебимиз йилдан-йилга қулайиб боришга қатъий ишонамиз. Ишонч эса тадбиркорликда янги марраларни эгаллаш учун кун-гайрат бағишлайди. Бу келажақда қатта ишлар қилишга руҳлантиради.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар — одамлар — воқеалар

Яқин икки-уч йил ичи- да Россия галла етиш- тиришни 90 миллион тон- нагача етказмоқчи. Мамла- кат қишлоқ ҳўжалик соҳа- сининг раҳбари Алексей Гордеев 2002 йил дек- қончиликдаги танглики бартараф этиш марраси бўлиб қолади, деди.

Гаага трибуналида Юго- славиянинг собоқ пре- зиденти Слободан Мило- шевић «Ал-Каида» албан айирмачиларига Югосла- виядан ажралиб чиқиш учун курашда ёрдам бер- ганлигини айтди. Унинг таъкидлашича, Косово озодлик армияси Усама бин Лодин ташкилоти билан яқин алоқада бўлган.

Йигирма етти ёшли инглиз Эдриан Бил дунёда энг паст автомо- билни ихтиро қилди. У ясаган энгил машинанинг баландлиги 60 сантиметр бўлиб, тезликни соатига 250 километргача етказ- олади. Ихтиро Гиннес ре- кордлар китобига қайд қилинди.

Сидней ҳайвонот боғи- да янгича хусусияти мушукчалар туғилди. Уларнинг «ислати»га сува- да сузиш ёзилган, панжа- лари шунга мослашган. Бу уларга ботқоқликлар, қамишзор киргоқларда ҳам ов қилиш имконини беради.

Эрта тонгда Мексика- нинг Пуэбло шаҳрида- ги сокин кўчалардан бири- даги хашаматли уйни қуролланган ниқобли ки- шилар ўраб олишди. Дам ўтмасдан уйқули кўзини ишқалаш имконидан бе- баҳра бир кишини олиб чиқишди. Қўлларига қишан солинган бу шахс Мекси- ка ва АҚШда «отнинг қаш- қаси» — Тихуана шаҳри наркотўдасининг бошлиғи Бенхамин Арельяно Фе- ликс эди. Гарчи наркотики- нес ўз раҳамосидан жудо бўлган эса-да, унинг аъзо- лари жинояткорона фаоли- ятларини тўхатишларига ишонич қийин, деди Мек- сика прокурори Рафаэл Маседо де ла Конча жур- налистарга.

(ЖАХОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

# Шеъримиз

## ДУНЁ ҚЎШИҚЛА-РИН АВЖИСАН

Йиғласам, кўз ёшим йўлингни ювса,  
Кипригим пойиндан ғуборни қувса,  
Дард чексанг, жон дилим малҳаминг бўлса,  
Сен фақат яшсанг бўлгани, Ватан!

Кўтарсам, обрўйинг кўкларга етса,  
Кўк надир, доғруғинг оламни тутса.  
Ғанимлар етолмай, нафасин ютса,  
Сен фақат яшсанг бўлгани, Ватан!

Дунё қўшиқларин авжисан ўзинг,  
Тубсиз уммонларнинг мавжисан ўзинг,  
Энг азим тоғларинг тоғжисан ўзинг,  
Сен фақат яшсанг бўлгани, Ватан!

Фарзандлар бағрингда топаркан камол,  
Доғингни кўрмайлик, кўрмагин завол,  
Замининг дастурхон, насибанг ҳалол,  
Сен фақат яшсанг бўлгани, Ватан!

Бир дунё хазинам, борисан танҳо,  
Бир эмас, минг қўёш нурисан танҳо,  
Тойирхон каломин дурисан танҳо,  
Сен фақат яшсанг бўлгани, Ватан!  
Тойирхон МАНСУРОВ.  
Чиноз.

## МЕН БОЛАНГМАН

Юртим бор деб кўкрагимга урсам мен,  
Жаннат элда давру-даврон сурсам мен,  
Ташвинингдан бир чеккада турсам мен —  
Болангман деб айтолмасман, Ватаним.

Болаларга кўксим қалқон қилмасам,  
Апомишдай ёғни талқон қилмасам,  
Ҳар қўғонинг ўз уйимдай билмасам —  
Болангман деб айтолмасман, Ватаним.

Агар суйсам фақат гулшан-боғларинг,  
Донишлардай сарбаланд ул тоғларинг,  
Кувонсаму бахтли-шодон чоғларинг —  
Болангман деб айтолмасман, Ватаним.

Жон Ватаним, мангуликка омон бўл,  
Етти иқлим аро турфа чаман бўл,  
Турсунали, сен ҳам муҳаббатга тўл,  
Асло четда, бил, қолмасман, Ватаним!  
Турсунали ЖУМАНОВ.

## ҚЎШНИЛАРИМ

Бордир кўлаб дўст-қардошим,  
Ака-ука қариндошим.  
Ҳаммасидан турар улғу,  
Ҳар бир ишда елкадошим, —  
Ён қўшни, жон қўшниларим,

Девормиён қўшниларим.  
Бола-чақам соғ-саломат,  
Менга ёрдир бахту омад.  
Елчиғанман қўшнилардан,  
Ҳаққа айтгум шукр фақат,  
Ён қўшни, жон қўшниларим,  
Йўқдир ёмон қўшниларим.

Бошимга тушса бир ғам,  
Ушалардир ҳамдард, ҳамдам.  
Бору йўғим улар билан  
Тўлиқ менга бир кам олам,  
Ён қўшни, жон қўшниларим,  
Дардга дармон қўшниларим.

Туй-ҳашамим эгалари,  
Кам-кўстимнинг чегалари,  
Қай биридир отадайн,  
Яна ука, акаларим,  
Ён қўшни, жон қўшниларим,  
Дўст-қардон қўшниларим.

Дилларидан кир тополмам,  
Ғараз, араз, кин тополмам.  
Йўқлаб келса меҳмонлари  
Бор-йўғини кўрар баҳам,  
Ён қўшни, жон қўшниларим,  
Хўп меҳрибон қўшниларим.

Ёмонимни яширишар,  
Яхшилигим оширишар,  
Ҳар кунни бир ҳолим сўраб,  
Ушиғимдан бош суқширар,  
Ён қўшни, жон қўшниларим,  
Бўлсин омон қўшниларим.

Собир ОЛИМЖОН.



Субҳи содиқда йўл ёқасидаги тутнинг атрофига қишлоқ аёллари тўпланишади. Улар сут солинган пакирларни худди аскарлардек саф тортириб қўйиб, туман марказидан келадиган машинани пойлашганча, гурунларини бошлаб юборишади.

Аёлларга қўшилмай бир чеккада мунгайиб ўтирадиган Рустам эса, банкадаги сутни қўйнига тикиб, чопони билан яширганча сут олувчини кутади. Ростини, унинг шу арзиманган сутни топширишга тоби йўқ. Бироқ, пул деса ўзини томдан ташлайди-кан, қисирсоғди говмушдан ситиб олган арзиманган оқининг қарийб тенг ярмига эсу қўшиб берадиган ўғай онасини гиди-бидидан қочиб келади-бу ерга. Сут олувчи ҳам Рустам олиб келган суяқ сутни зўрга олади. Олмасди-ю, юпун усти-бошда дилдираб турган болага раҳми келса керак, унга индамай пул санаб беради. Ана шу тобда ўсимиринг мурғаккина юраги бир зиркираб кетади. Унинг бу ерга келишининг яна бир сабаби бор. Шу боис ҳам бола мана шу тут атрофини ҳар тонгда таовф қилишга тайёр...

Бундан уч-тўрт йил муқаддам, Рустамдан бахтиёр бола йўқ эди, дунёда. Отаси топармон-тутармон, удли-шудли инсон эди. Оқила онаси Раҳимахон рўзгорни ораста тутарди. Фарзандлари маҳаллада энг дур-қун, ҳаммининг ҳаваси келадиган болалар эди. Уша кезларда кимнинг хонадонидан янги фарзанд дунёга келса, унинг қулоғига азон айтган қария, «Илоҳо, Содиқжон билан Раҳимахоннинг болаларига ухшагин» деб ният қиларди.

Кунларнинг бирида нима бўлдию, супрасидан ун аримадиган Раҳимахон эрта-тада уйда нон тугаганини боис, гузарга отланди. Яхшиям, нон дўкони сотувчиси ишга барвақт келди. Қўшнилардан иккита нон илиниб турса ҳам бўлардию орият-

ли аёл бунга истиҳола қилди.

Раҳимахон дўкандан чиқаятанда, пештахта устидаги соатнинг миллари еттига яқинлашиб қолганди. Шошиб-пишиб келган аёл дўкон қаршисидаги йўл ёқасида салобат тўқиб турган тутнинг олдида негадир тўхтади. Йўлни кесиб ўтишга шошилмай, бироз тарадудланди тўрди.

Ичкарида юмушини саранжомлаб бўлган сотувчи Раҳимахоннинг тўхтаб қолганидан ажабланди. Тинчликми?! Энди унинг ортидан чиқмоқчи эди, шу топда аёл йўлни кесиб ўта бошлади. Бироқ у бунга улгурмади. Воқеа шунчалик қисқа фурсатда юз бердики, дўкон деразасидан қараб турган сотувчи энгил машинанинг Раҳимахонга яқинлашиб қолганини кўрдию, дахшатдан қўчиб, кўзларини чирт юмди...

Раҳимахоннинг вафотидан сўнг, уйдан фойз-баракат кўтарилди. Болаларнинг хар-хашаси, етишмовчилик, ёлғизлик Содиқнинг эсанқиратиб қўйди. У энди ишга вақтида боролмас, рўзгордан ортиб бирор тиркичилик ҳам қилолмасди. Биноидек одамнинг ичкиликка берилиб кетишидан саросимага тушган ақинлари уни турмушдан ажраб қолган бева — Баҳрига уйлантириб қўйди. Бироқ бу билан вазиёт кескинлашса кескинлашдики, энгиллашди. Раҳимахон аёл эрининг ҳам, ўғай болаларининг ҳам шўри бўлди.

Сут олувчи машина ўрнидан қўзғалиб, аёллар тарқашгандан кейин ҳам Рустам кўпична тутнинг олдида узоқ туриб қолади. Гўё онасининг руҳи ана шу тут танасига сингиб кетгандек туюлади, унга. Дарахнинг шохлари гарчи дағал бўлсада, унинг кўзига худди онасининг майин қўлларидек кўринади. Энгил шабадада аста чайқалган япроқлари эса, унинг бошини силаш учун талпинаётгандай бўлаверади...  
Усмон БЕК.

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад турли йўналишларда тенгдошларига ўрнатилган бўлаётган лобар қизларнинг меҳнатларини қадрлаш, ёш бўлсаларда илм-фан ва ижодда барақати фаолият кўрсатаётган ёшларни рағбатлантиришдан иборат, — деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев.

Бу мукофот голибаларимизга фахр, қувонч туйғуларини бахш этиш билан биргаликда катта масъулият ҳам юклайди. Ҳозир бутун Республикада миҳрибон ахли бу кизларимизга ҳавас ва ишонч билан боқмоқда. Уларга билдирилган ишонч албатта оқланажақлигига ишончимиз қомил.  
«Туркистон-пресс».



— Қани телефон қилиб кўрай-чи, Дадажоним келадиларми? Яна битта сўрай-чи — «Оҳ-оҳ» олиб берадиларми?!  
Даврон АҲМАД олган сурат-лавҳа.

## Ёшлар ва маънавият


Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ҳодимларининг малакасини ошириш институтида ёшлар маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳузуридаги Маънавий-маърифий тарғибот маркази тадбирлари доирасида ташкил этилган мазкур йиғилишда мутахассислар, мактабгача тарбия ва умумтаълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда ёшлар маънавиятини янада юксалтириш ва уларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга бағишланган маърузалар тингланди.  
У.А.

## Бўш вақтларингизда

## СИРДАРЁНИНГ ЎНГ ИРМОҒИ



**БЎЙИГА:** 1. Утмишда Урта Осиёнинг баъзи шаҳарларидаги йирик савдо марказлари. 2. Концерт ҳақида олдиндан тарқатиладиган эълон. 3. Африканинг тропик ўрмонларида яшовчи одамсимон маймунлар. 4. Мустақил сўз ёки гапга турли қўшимча маъно бериш

учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз. 5. Ўзбек видеофильми. 6. Жанубий-Шарқий Осиёдаги давлат. 12. Беш фарз амалларидан бири. 13. Сўзнинг туб маъносини билдирадиган, қўшимча олмаган қисми. 14. Юқори, баланд. 17. Усимлик мойи. 18. Сирдарёнинг ўнг ирмоғи. 21. «Мирзо Улуғбек» пьесаси муаллифи. 22. Яқин қариндош: отанинг олмаси ёки синглиси. 23. Бириктирувчи боғловчи. 24. Овда қўлга киритилмаган нарса. 25. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 28. Инсондан бошқа жониворлар. 29. Англия ва Америкада «жаноб» маъносига қўлланадиган сўз. 32. Секунд. 34. Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбидаги қадимий шаҳар.

**ЭНИГА:** 7. Хашарот. 8. Покистондаги Ҳиндикуш тоғларининг энг баланд чўққиси. 9. Хушовоз хонанда... Махкамов. 10. Ғарбий Европадаги дарё. 11. Чуқур ўрганилмаган, энгил-елли. 14. Қулоқ, томоқ олди безининг ялиғланиши, юқули болалар касаллиги. 15. Тошкент-Душанбе автомобил йўли ўтган Хисор тизмасидаги доvon. 16. Урта Осиё хонликларида қишлоқ ёки маҳалла оқсоқоли. 18. Тешик-тешик япалоқ қафли рўзгор буюми. 19. Сўз туркуми. 20. Кир ювиш воситаси. 26. Кўпична бармоқда суюқни ёриб чиқадиган ёмон яра. 27. Уммонда давлат бошлиғи. 28. Спорт мусобақасини бошқарувчи. 30. Қалбаки. 31. Кўрсатиш олмоши. 32. Айланми, кезиш. 33. «...кийимнинг исмиги йўқ» (мақол). 35. Канаданинг жануби-ғарбидаги йирик шаҳар. 36. Нафас йўлининг юқори қисми.

Тузувчи: Акрамжон ХҲЖАМОВ.

## «ДУСТЛИК» ЎЙНИНИ БОЙ БЕРДИ

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси ўтган мавсумда 2001-2002 йилги Ўзбекистон кубоги баҳсларининг навбатдаги bosқичида пойтахтнинг «Пахтакор» жамоаси билан баҳс юритиши керак эди.

Лекин баъзи сабабларга кўра учрашув ўтказилмади. Кечиктирилган ўйин Ангрэн шаҳрида бўлиб ўтди. Дастлабки дақиқаларда химоячилар ҳаттоқдан фойдаланган пахтакорчи Леонид Кошелев майдон эгалари дарвозаси-ни ишғол қилиб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Дўстликчилар дарҳол қарши ҳужум уюштирдилар. Егор Гладков ҳисобни тенг-лаштирди. Пахтакорчи Андрей Власичев эса, 36-дақиқада ҳисобни 2:1га етказди. Танафусдан сўнг эса,

дўстликчилар ҳужумга кўпроқ зўр бердилар. Лекин уларнинг омади чопмади. 73-дақиқада меҳмонлар уюштирган ҳужумни Зайниддин Тожиёв дарвозага аниқ тўп йўллаш билан ақунлади ва ҳисобни 3:1га етказди. Уйин охиригача ҳар икки жамоанинг ҳаракатлари зое кетди. Жавоб учрашуви 27 март куни «Пахтакор» йиғинигоҳида ўтказилади.  
Талъат ЮСУПОВ.

## Шунчаки синов

## ЎЗ ХИСЛАТЛАРИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳар бир инсон ўз хислатларини билишга қизқади ва шу орқали камчилик ва нуқсонларини тўғрилаб олишга ҳаракат қилади.

Қуйидаги тест саволлари сизга ҳам ёрдам берса ажаб эмас. Берилган саволларга жавоблар ҳам ёнма-ён қўйилган бўлиб, ўз фикрингизга мосини танлаб, охиридаги қалитдан хулосалар чиқариб олишингиз мумкин.


1. Сиз аччиқ овқатни яхши кўрасизми? Ҳа — 4 балл. Йўқ — 1 балл.
2. Ҳар қандай мавзуда суҳбатлаша оласизми? Ҳа — 3 балл. Йўқ — 2 балл.
3. Рақсга тушишни яхши кўрасизми? Ҳа — 1 балл. Йўқ — 3 балл.
4. Сиз жамоанинг юраги бўлгансизми? Ҳа — 1 балл. Йўқ — 3 балл.
5. Суюнгангиздан осмонга сакрагингиз келадими? Ҳа — 4 балл. Йўқ — 2 балл.
6. Баъзида бел оғриғи Бесовта қилиб турадими? Ҳа — 1 балл. Йўқ — 2 балл.
7. Тиш тозалагининг юмшоғини ёқтира-сизми ёки қаттиғини? Юмшоғини — 1 балл. Қаттиғини — 3 балл.
8. Сартарошга бормасдан сочни қандай тартибга келтиришни биласизми? Ҳа — 3 балл. Йўқ — 1 балл.
9. Кроссвордларни яхши кўрасизми? Ҳа — 1 балл. Йўқ — 4 балл.
10. Сизда ишонсизлик туйғуси борми? Ҳа — 1 балл. Йўқ — 4 балл.
11. Кеч уйкуга ётишингиз соғлигингизга таъсир кўрсатадими? Ҳа — 4 балл. Йўқ — 1 балл.

## 20 баллгача.

Табиатан сиз нозик инсонсиз. Кўпична тинчликни хуш кўрасиз. Сиз яхши дўст бўлишингиз мумкин. Аммо сизни кўпчилик ҳам-мининг жонига тегувчи киши деб билади. **21-25 баллгача.** Сиз тақдирнинг ҳукмига ишонувчан ва унга қўнқувчан инсонсиз. Танишларингиз-нинг хайрихоҳлигига доимо муҳтожсиз ва уларнинг гапига тез ишонасиз. **26 баллдан юқориси.** Сиз меърий хислатларга эгасиз. Ҳисси-ётларни бошқара оладиган, кишиларнинг орзу-умидлари, эҳтиёжларини тўғри баҳо-лай оладиган инсонсиз.

## Бўқизик Муз ичида беш юз йил

Чилининг Сант-Яго шаҳридаги музейда кўпчиликнинг эътиборини қозонган ажайиб бир экспонат қўйилган. Бу ерда ичида одам қотиб қолган катта муз тобут сақланади.



Бу тобут бундан ярим асрча илгари топилган эди. 1954 йилнинг феврал ойида бир гуруҳ алпинистлар Чилидаги Серро Пайнал тоғининг денгиз сатҳидан 5 километр баландликдаги қорли чўққисига чиқиб, тунда паства

қарашганда музнинг ичида бир нарсани кўриган. Алпинистлар музни авайлаб ўйганларида хайратда қолишган. Муз ичида хинд плашига ўралган чамаси 12 ёшлардаги бола тумшайиб ўтирарди.

Тиббиёт текширувлари бу воқеа бундан 500 йил илгари содир бўлганлигидан далолат берди. Бола ҳозир ҳам муз ичида худди тирик тургандек кўринади, муз тобут музейда экспонат сифатида сақланмоқда.

Матлуба МАҲМУДУХҲАЕВА тайёрлади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Billur» sifats хусусий фирмаси **ТУГАТЛАДИ.** Давълор икки ой мобайнида қабул қилинади.

1993 йил 20 январда Маруса Нурмухамедовага берилган 09-02/2992 рақамли уйга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТОШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий ишлар  
бўлими: 133-40-48  
Эълонлар: 133-40-48,  
136-56-29

Матбуатнинг  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақамли  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер марказида  
терийда ва саҳифалони.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.